

Ўзбекистон Республикаси Мустақиллик
куни — 1991 йил 1 сентябрдан чиқа бошлаган

ПАНШАНБА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ

1996 йил июл

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ХОТИН-ҚИЗЛАР ҚУМИТАСИ, БОЛАЛАР ЖАМҒАРМАСИ ВА «СОГЛОМ АВЛОД УЧУН» ХАЛҚАРО ХАЙРИЯ ЖАМҒАРМАСИ ҲАФТАЛИГИ • Баҳоси эркин нарҳда



• Ўзбекистон Республикаси Ва-
зирлар Маҳкамаси «1996/97 ўқув
йилида Ўзбекистон Республикаси
олий ўқув юртларига қабул қилиш
тўғрисида» қарор қабул қилди. Уш-
бу қарор юқори малакали мутахас-
сислар тайёрлаш, олий маълумот
олишда қобилиятли ёшларни иқти-
содий муҳофаза қилиш ва абиту-

риентларни сифатли танлашни
мақсад қилиб қўяди.

• Республика Вазирлар Маҳ-
камасида Ўзбекистон, Озар-
байжон, Грузия, Туркменистон
ва Руминия ҳукумат делегация-
ларининг транспорт соҳасида-
ги ҳамкорлик масалаларига ба-
ғишланган учрашуви бўлиб ўт-
ди. Музокаралар низоҳида уч-
рашув яқунлари бўйича коммюнике
ва эсдалик ахборот имзоланди.

• Республика Халқаро алоқалар
миллий ассоциациясида Ўзбекистон
— Корея Республикаси дўстлик жа-
мияти тузишга бағишланган таъсис
конференцияси бўлиб ўтди.

• Республика Марказий банкни-

нг ахбороти эълон қилинди. Унда
векселларни қалбакилаштириш ва
муомалага қалбаки векселларни чи-
қариш ҳоллари юз бераётгани
таъкидланиб, бундай тартиббузар-
ликлар ва суиистеъмолларнинг ол-
дини олишнинг аниқ чоралари бел-
гиланди.

• Қорақалпоғистон Республика-
си Жўқорғи Кенгеси Раиси У. Ашир-
беков бошчилигидаги бир гуруҳ
Оролбўйи вакиллари Андижонда бў-
лишди. Улар вилоятнинг бир қатор
саноат корхоналарида, ҳўжаликлари-
да бўлиб андижонликлар амалга
ошираётган ибратли ишлар билан
танишдилар...

• Республика Прокуратурасида Ўз-

бекистон Ёзувчилар уюшмаси раи-
си, халқ шоири Абдулла Орипов би-
лан учрашув бўлиб ўтди. Шоир ҳуқуқ
посбонларига Ўзбекистон делегация-
си АҚШда бўлган чоғида олган таас-
суротларини сўзлаб берди, янги
шеърларидан намуналар ўқиди.

• Андижон ва Фарғона вилоятла-
рининг Бўз, Улуғнор ва Ёзёвон ту-
манлари туташган жойда янги кар-
вонсарой очилди. Бу ерда йўловчи-
лар, ҳайдовчилар учун қатор қу-
лайликлар яратилган. Меҳмонхона,
чойхона ва ошхоналар улар хизма-
тида.

ЎЗА ва республика матбуоти ха-
барлари асосида тайёрланди



УШБУ СОНДА:

4-Бет:
Қабристонда
айтилган
алла

5-Бет:
Қалбим
кечиришга
тайёр,
аммо...

6-Бет:
Видео
оламида

8-Бет:
Топмай туриб
йўқотганим

• Ажабо!

СИРЛИ ЖАСАД

Марка-
зий Мў-
ғулис-
тонда
бундан

4000 йил олдин оламдан ўт-
ган одамнинг жасади топи-
лди. Шошилиш равишда
Москвага келтирилган жа-
сад рус, инглиз, америка ва

швед олимлари томонидан
синчиклаб ўрганилди.
Маълум бўлишича, унинг ич-
ки органлари сунъий бўлиб,
уларнинг нимадан тайёрлан-
ганлигини аниқлашнинг ило-
жи бўлмади.

Олимлар бу космик келгин-
дининг жасади деган хуло-
сага келдилар.

АКЦИЯ
ИҚТИСОД
ТАЯНЧИ!



Миллий инвестиция фонди

Тел: 363084
Тел / 343176
Факс:

МЕҲНАТИ МАҚТОВГА ЛОЙИҚ

Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 5-йиллигига бағишлаб ўтказилаётган «Ўзбекистон — Ватаним меним» мавзuidaги кўшиқлар кўрик танлови барча санъат ихлосмандларини қизгин ижодга чорламоқда. Жумладан, Самарқанд вилояти бўйича шу кунгача 20 мингга яқин кўшиқ шайдолари ўзларининг ватанга бўлган меҳр-муҳаббатларини кўшиқлари орқали изҳор этмоқдалар. Бу кўшиқлар кўрик танлови умидли ёш талантларни, санъатимиз фидойиларини элга танитишда, янгидан янги кўшиқлар яратилишида кулай имконият бўлди. Болалар мусиқа ва санъат мактаблари ўртасида ўтказилган М. Қориев номидаги ёш мусиқачиларнинг республика кўрик танловида вилоятимиз мусиқа ва санъат мактабларидан 5 ўқувчи фахрли 1, 2, 3-ўринларни эгаллади. Республика бахши шоирлар кўрик танловида Нарпай туманидан Зиёдулла бахши Исмолов 2-ўринни олди. Республика профессионал театрларининг болалар спектакллари республика кўрик танловида. Хамид Олимжон номи драма ва мусиқа театри «Чандунинг саргузашти» спектакли билан қатнашиб 1-ўринга сазовар бўлди. А. Мажидий номи Каттакўрғон давлат театри эса «Шум бола» спектакли билан қатнашиб фахрли 2-ўринни эгаллаган эди. Яқинда Марғилон шаҳрида бўлиб ўтган 3-анъанавий республика «Алла» ижрочилари кўрик танловида биринчи ўринни қўлга киритдилар.

Республикамиз миқёсида ўтказилаётган катта-катта кўрик танловларда фахрли ўринларга эришиш жуда кўп масъулият талаб этиши барчага маълум. Бу борада ташкилий ва амалий ишларни тўғри йўлга қўйишда вилоят маданият ишлари бошқармасининг меҳнати мақтовга лойиқдир. Вилоятда турли мавзуларда, турли хил тадбирлар ўтказилмоқда. Ҳозирги кунда «Мустақил диёрим» Ўзбекистоним» номили фестивали ўтказишга тайёргарлик ишлари кетмоқда. Бу фестивал ҳам Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 5-йиллигига бағишланади.

Мухтасархон
КАРИМОВА

МЕҲМОН ИЗЗАТИ БИЛАН УЛУҒ

Ровийларнинг ривоят қилишларича, Аббосийлар сулоласининг саккизинчи халифаси ал-Мўътасин бир гуноҳорини олдиға келтириб, ўлдирмоқ тилади. Ул киши: «Эй амирал мўминин, мени бир коса сув билан сийлагилким, бағоят ташнаман, ундан сўнг ҳарна қилмоқ тиласан бўйурғил». Халифа Мўътасин ҳам ул зотнинг ҳурмати сақлаб буюрди, унга сув бердилар, ул киши сувни ичгандан сўнг араб расми билан «Эй, амирал мўминин, энди бир коса сув билан сенинг меҳмонинг бўлдим. Агар муруват тариқасида меҳмонни ўлдирмоқ вожиб бўлса, бўйурғилким мени ўлдирсинлар. Агар афв қилсанг мен сенин олдинда барча гуноҳимдан тавба қилурман». Мўътасин: «Рост айтурсан, меҳмон ҳаққи улугдир. Энди гуноҳингни афв қилдим. Ва сен тавба қилиб, бундан буён ҳеч бир хатога қадам қўймағил», деди.

Бу ривоят бизга қадимги Шарқ халқлари орасида меҳмон ҳаққи қанчалар улуг ўрин тутганини исботловчи бир далилдир. Энди ўтмишдан бугунга қайтиб, атрофимиздаги одамларнинг кундалик ҳаётида меҳмон ва мезбон муносабатларини кузатсак. Аввало шуни фахр ва мамнуният билан айтиш керакки, ўтмишдаги меҳмон ва мезбон муносабатлари асрлар ўтиши билан янада сайқаллашиб, гўзаллашган. Республикамиз вилоятла-

ридаги ҳар бирининг ўзига хос меҳмон кутиш, унга ҳурмат кўрсатиш намуналари билан ҳақиқатдан ҳам фахрлансак арзийди. Чунки, дўстлик, қўшничилик, борини дастурхонга тўкиб ёр дўстлари билан баҳам кўриш халқимизнинг қон-қонига сингиб кетган.

Ҳа, биз меҳмон кутиш санъатини яхши эгаллаганмиз, аммо меҳмонга борганда ўзимизни қандай тутмоғимиз кераклигини яхши биламизми?

Улуғ тарбия — мактаб бўлган «Қобуснома»да ёзади: «Эй, фарзанд, агар меҳмон бўлсанг, ҳар кишиникига меҳмон бўлиб боравермагин, чунки, ҳашамат шавкатингга зиён етказурсан. Агар меҳмон бўлиб бир ерга борсанг, кўп оч бўлиб бормагин. Ва тез юриб борғилким, таом емакдан мазур бўлиб ўтирсанг, мезбон озор топади. Агар таомни кўп есанг, халқнинг кўзига ёмон кўриурсан. Мезбоннинг уйига киргандан сўнг ўзингга муносиб жойда ўлтирғил... Шароб ичиб кўп маст бўлмағил, қайтар чоғда йўл асносида мастлик асари сендин зоҳир бўлмасин ва халқ холиғини билмасинлар. Ҳар неча мастлик тиласанг ўз уйингда бўлғил».

Афсуски, биз мезбонликнинг шу каби оддий қоидаларига ҳам кўпинча риоя қилмаймиз. Шундай одамлар ҳам орамизда учрайдики, тўйга, меҳмондорчиликка боришдан мақсад у ерда истаганча еб-

иши, кайфу сафо қилиш деб биладилар. Агар тўй дастурхонида спиртли ичимликлар кам бўлса, жанжал чиқарадиган, «шу ҳам тўй бўптими», деб тўй соҳибини уялтирадиган одамлар ҳам топилади. Бу хил тартиб-ҳаракатлар замирида тарбиясизлик, маданиятсизлик ва ўз иззатини билмаслик ётади. Иззатини билган меҳмон эса мезбон унга кўрсатаётган ҳурматиға муносиб йўл тутлади. Яъни, қақирилмаган жойга бормаслик, қақирилган ерга эса имкони борица айтилган мўддатдан кечикмай бориш, тақлиф қилинмаган одамларни эргаштириб бормаслик, меҳмондорчиликка борганда совға-салом билан бориш, чунки, ўзбек миллий урф-одатларида меҳмонга қуруқ қўл билан кириб бориш уят саналади. Пайғамбаримиз ўз ҳадисларида ҳам бир-бирингизга совғасалом берингиз, бу орадаги меҳр-оқибатни кучайтиради деб айтганлар. Мезбон пишир-

ган таомлар ҳақида яхши сўзлар билан миннатдорчилик билдириш ҳам яхши сифатлардан саналади. Қолаверса меҳмон кутиб, елиб-югурган мезбон учун ана шу бир оғиз илиқ сўз унинг меҳнатларига берилган муносиб баҳо ҳисобланади ва бу сўздан боши кўкка етади. Меҳмонда узоқ қолиб кетмаслик ҳам маданият белгисидир. Меҳмондорчилик тугаб уйга қайтиш чоғида мезбонни ҳам ўз навбатида уйга тақлиф этиш гўзал одатлардан бири саналади.

Биз ҳозир тилга олиб ўтган одатлар аввало меҳмон иззатини оширадиган, мезбон олдида унинг қадруқийматини кўтарадиган фарзандлардир. «Меҳмон иззати билан улуг» деганда ана шу сифатларни назарда тутмоқ керак. Зеро, ҳар бир инсон ўз иззатини билса уятга қолмайди.

Ҳидоят ОЛИМОВА



• Муассисларимиз ҳаётидан

МАРОҚЛИ ЎТДИ

Газетамизнинг аввалги сонларида республика хотин-қизлар кўмитаси «Халқаро тинчлик фонди-болаларга» номили ассоциация ва «Ўзбекистон ҳаво йўллари» миллий авиакомпанияси билан ҳамкорликда 10 нафар болани даволаниш учун Москвадаги «Светлана» санаториясига

жўнатгани ҳақида хабар қилган эди. Куни кеча ана шу болажонлар мароқли дам олиб, даволаниб юртимизга қайтишди. Уларнинг таассуротлари бир жаҳон. Болалар 18 кун давомида фақат нафас олиш йўллари, юрак-қон томир, ошқозон-ичак касалликлари бўйича даволанибгина қолмай, Мо-

сква бўйлаб экскурсияларга чиқишди, бошқа мамлакатлардан келган тенгдошлари билан танишиб, янги дўстлар орттиришди.

— Кам таъминланган оилаларда, болалар уйларида тарбияланаётган болажонларнинг соғлом ва баркамол

инсонлар бўлиб ўсишига қаратилган бундай тадбирларни қўллаб амалга оширишни режалаштириб қўйганмиз — дейди республика хотин-қизлар кўмитаси раисининг муовини Дилобар Қобулова.

Дилфуза НОРМУРОВА

О л а н д а г а н к ў н

«ИККИ» ОЛМАНГ, БОЛАЛАР!

Австралиянинг Мелбурн шаҳрида истиқомат қилувчи

Роналд ва Сюзан Стритлар ўз жонларига қасд қилишди. 5-синфда ўқийдиган, шу пайтгача бирор марта ҳатто «тўрт» баҳо ҳам олмаган қизлари жисмоний тарбиядан «икки» олганига чидолмай шу йўлни туттишди.

Қўлдошев — БАҲОНГИЗ «5»

Яқинда ўзбек, умуман Марказий Осиё давлатлари телекомпаниялари тарихида биринчи марта истеъдодли тележурналист Рўзибой Қўлдошевнинг «Ватанни севмоқ ймондандир» номи муаллифлик кўрсатувчи Туркия телевидениесининг Овросиё канали орқали намоиш этилди ва қардошларимиз меҳрини

қозонди.

Кўрсатувни яқинда ЎзТВ биринчи канали орқали томоша қилишнинг мумкин. Биз ҳамкасбимиз Рўзибой Қўлдошевни ушбу муваффақияти билан табриклаб, келгуси ижодий ишларида зафарлар тилаймиз.

• Мухбиримиз хабар қилади

ҒАЛЛАНИ ҲОКИМ ЎРАДИ

Бу йил Сурхондарёда ғалла мўл бўлди. Уни ўриб-йиғиб олиш учун катта-кичи барча баб-баравар далага чиқди. Инчунун Узун туманида ҳам шундай бўлди. Туман ҳокими Сафар Ҳасанов АҚШдан келтирилган «Кейс» русумли комбайн билан Бобомурод Омонов номи жамоа хўжалигидаги ўн гектар ғаллани ўриб берди. Ҳокимки, ўзи енг шимариб ғалла ўриб тургандан кейин бошқалар қараб турармиди.

ТУРСУНОЙ ОПАНИНГ УЧРАШУВЛАРИ

«Маданият ва маърифат» республика маркази бўлим мудири, шоира Турсуной опа Содиқовани сурхондарёликларнинг кўпчилиги яхши билишди. Опа яқинда Сурхон тупроғига таширф буюрди. Вилоят ҳокимлигида «Оила ва маърифат» мавзuida хотин-қизлар билан учрашув ўтказди. Учрашувга вилоятнинг турли туман ва шаҳарларидан 600 нафар хотин-қиз таширф буюрди. Учрашув-мулоқот асосан қизларни турмушга, оилавий ҳаётга тайёрлаш ҳақида борди.

Маҳмуд АБУЛҒАЙЗ

ПАЙҒАМБАРИМИЗ ВА АШАРАИ МУБАШШАРА

ПАЙҒАМБАРЛИКДАН ОЛДИНГИ ҲАЁТ

(Давоми. Боши ўтган сонларда)

Аслида, Каъба Маккадан анча қадимийдир. «Баити Шариф» дейилучи Каъбани биринчи бор тошдан курган Ҳазрати Иброҳим алайҳиссалом эдилар. Каъба атрофидаги Макка шаҳрини эса, пайғамбаримизнинг боболаридан Қусайй қурдирган. Ҳазрати Иброҳим Сафо ва Марва номли икки тепалик орасида Масжиди Ҳарамнинг ўрнини қўрсатиб бердилар. Биринчи тавафни ўғиллари Исмоил билан қилдилар. Халққа «Ҳаниф дини» бўйича биринчи бор ҳаж ибодатини ўргатдилар. Ер юзида Аллоҳга ибодат учун қилинган ilk бино Каъба бўлди.

Қуддусдаги маъбад (Масжиди Ақсо) Ҳазрати Иброҳимдан анча кейин Ҳазрати Доруднинг ўғли Ҳазрати Сулаймон замонларида қурилганлиги учун, Маккадаги Каъба ер юзида Аллоҳнинг ilk уйи (Байтуллох) бўлиш шарафини қозониш билан бирга, энг табаррук қадамжого айланган эди.

Ер юзида Ягона Тангри ишончининг ilk маъбади сифатида қурилган Байтуллох (Каъба) Ҳазрати Иброҳим даврларидан бошлаб зиёратгоҳ бўлди. Лекин вақт ўтиб Ягона Тангри ишонч-эътиқоди унутилди. Унинг ўрнини буддаистлик эгаллаб бошлади. Буюк уй—Каъба бутларга тўлиб кетди. Бу ерга инсон ё ҳайвон шаклида 360 та катта-кичик бутлар ўрнатилган эди. Ҳар қабиланинг бир бут бўларди. Ҳар бут учун йилнинг маълум бир куни ажратилган, ҳар томондан Маккага келувчи қабилалар бутларини зиёрат қилиб кетишарди. Макка арабларнинг асосий тижорат маркази бўлиш баробарида, дин маркази ҳам бўлиб қолди.

Яманда «Сайлул-арим» деб ном олган сел ҳалокати рўй бериб, кўп аҳоли у ердан кўчиб кета бошлаган эди. Ҳузоя қабиласи ҳам Ямандан Маккага шу тариха келиб қолган эди. Ҳузояликлар Исмоил ўғилларининг ёрдами билан жўрхумийларни Маккадан чиқариб юбордилар. Кўп ўтмасдан

Макка ҳукмронлигини ва Каъба муҳофизлигини ҳам ўз қўлларига олдилар. Ҳузояликларнинг бу ҳукмронлиги қурайшийлар даврига қадар роппа-роса уч аср давом этди.

Қурайшийларнинг бошлиғи Қусайй Ҳузоя қабиласининг куёви эди. У бир тулум шаробга Каъба муҳофизлигини қайин укасидан сотиб олди. Ҳакимнинг ўғли Қусайй милоннинг бешинчи асрида қурайшийларга бош бўлди. Каъба калитини олиб, ҳузояликларни Маккадан чиқариб юборди ва Каъба муҳофизлигини ҳам, Макка ҳокимлигини ҳам ўзи қўлига олди. Қурайшийларнинг Қусаййдан бошланган бу ҳокимияти мусулмонлик туғилгунга қадар давом этди.

Араблар Каъба атрофидаги дарахтларни кесиб, у ерларда бинолар қуришга ботинолмас эдилар. Улар Каъбадан узоқ жойларда алоҳида-алоҳида бўлиб яшарди. Қусайй қурайшийларни тўлаб, Ҳарам шариф атрофидаги дарахтларни кестирди. Бу ишга ўзи бош бўлди. У ерларга уйлар қурилди. Каъба ёнида «Дорун-надва» номли ҳукумат биноси қад кўтарди. Бугунги Макка шаҳрининг қурувчиси Қусайй бўлди.

Қусайй вафот этган, унинг ўрнига ўғли Абдуманноф келди. Абдуманнофнинг ўғилларидан Абдушамс билан Ҳошим эгизак эдилар. Бирининг бармоғи бошқасининг юзига ёпишган ҳолда туғилишган эди. Жарроҳлар буларни бир-бирларидан ажратаётган пайтда қон оққан, бу ҳолни келажакда икки ака-ука насллари ўртасида кўп қон тўкилишига

ишорат деб изоҳлашган. Абдушамснинг авлодларидан амавийлар, Ҳошимдан эса ҳошимийлар вужудга келган.

Абдуманноф ўлиmidан олдин Каъбани ҳимоя қилишни ўғли Ҳошимга топширди. Бу пайт Ҳошимнинг эгизак биродари Абдушамснинг ўғли Умайя амакисига берилган бу шарафни кўролмади. Унга ҳасад қилди. У Ҳошим билан мусобақага киришди. Лекин шараф баҳсида Ҳошим ғолиб деб топилди. Мағлубиятга учраб юзи шувит бўлган Умайя 50 туя жарима тўлаб, ўн йилга Маккадан узоқда юришга мажбур қилинди. Бу воқеа ҳошимийлар билан амавийлар орасидаги тарихий душманликнинг ибтидоси эди.

Ҳошимдан кейин Каъба муҳофизлиги унинг ўғли Абдулмутталибга ўтди. Машхур «Фил воқеаси» ва Замзам қудугининг тозаланиши воқеаси Абдулмутталиб раислик қилган йилларда бўлиб ўтган эди. Расули Ақрам (а. с.) ҳам боболари Абдулмутталиб Макка ҳокими ва Каъба муҳофизи бўлиб турган пайтда туғилганлар.

У пайтлардаги Макка шаҳри қибора жумҳурияга ўхшарди. Унинг ўзига ҳос бир мажлис бор эди. Бу мажлис Дорун-надвада (Шўро уйида) ўтказиларди. Бу ерга ёши қирққа етмаганлар киритилмасди. Қурайшийлар бошқа қабилаларга кўра анча имтиёзларга эга бўлиб, солиқ тўлашмас, бутун қабилаларга ҳоким эдилар. Улар ҳамма ишларни ўз ораларида бўлишиб олган эдилар. Қурайшийларнинг ўн ёки ўн икки шажарасидан ҳар бирининг Расули

Ақрам сулоалари билан узоқ ёки яқиндан боғлиқлиги бор эди.

Ҳазрати пайғамбаримизнинг (с.а.в.) катта боболари Ҳошим Мадинада Нажжорлардан бўлган Салмога уйлانган эди. Лекин Салмо Мадинадан чиқмасдан ўша ерда қолган бўлиб, Ҳошимнинг Салмодан бир ўғли бор эди. Туғилганида боланинг сочлари оппоқ бўлгани учун унга «Шайба» деб ном қўйилди. Шайба Мадинада онаси Салмонинг қўлида катта бўлди. Отаси Ҳошим вафот этган, Ҳошимнинг укаси (Шайбанинг амакиси) Мутталиб жиянини Мадинадан Маккага олиб келди. Йўлда Мутталибдан боланинг кимлигини сўраганларида, у ҳазиллашиб: «Менинг қўлим», дея жавоб беради. Шундан сўнг, Шайбанинг исми, «Абдулмутталиб» (Мутталибнинг қўли) деб атала бошланди. (Машхур шарқшунос-ориенталист Ж. Хуар Шайбанинг амакиси Мутталибнинг бу ҳазилнамо гапини ҳақиқат деб таъкидлаб, Абдулмутталибни Ҳошимнинг ҳақиқий ўғли бўлмасдан, қўли эканлигини ёзади. Бу тухматнинг тағида пайғамбаримиз алайҳиссалом боболарини гўё номаълум бўлган бир авлоддан қилиб кўрсатишдек ғаразли мақсад ётибди. Ҳолбуки, Қурайш қабиласи Абдулмутталибни қабила бошлиғи этиб тайинлаб, бу беъмаъни фикрни илдири билан кўпориб ташлаган.)

Абдулмутталибнинг ўлиmidан кейин Макка ҳокимлиги амавийларнинг қўлига ўтди. Қурайшнинг катта уруғларидан бири бўлган амавийлар Қурайшнинг яна бир уруғи бўлиш Ҳошимийларга кўра сон жиҳатидан кўп ва анчайин бой эдилар. Лекин одоб-ахлоқ ва фазилат нуқтаи назаридан ҳошимийлар амавийлардан устун турардилар. Таассуфки, бир оиланинг бу икки уруғи орасидаги дахшатли ҳасад Ислом тарихида жуда кўп ноҳус воқеаларнинг зухурига сабаб бўлди.

(Давоми кейинги сонларда)



АҲДГА ВАФОДОРЛИК

Мусулмонлар иккинчи халифа даврида Аҳозни фатҳ қилдилар ва унинг ҳокими Хурмузонни асирга олиб, Ҳазрати Умар қўлига келтирдилар. Халифа Умар унга дедилар:

— Йймон келтиришинг керак ёки нофиғлар қўлида қолиб кетсан!

Хурмузон деди:

— Улганимдан кейин бирон бир ниятими амалга ошира олмайман. Улишимдан аввал бир идишда сув беришса: токи ташна бўлай у дунёга кетсам.

Ҳазрати Умар сув келтирилиши бўлордилар.

Хурмузон деди:

— Биз ҳамма вақт гангвар идишларда сув ичардик, бутуллик нозиди сув ичмайман.

Ҳазрати Умар унга чимчирилиб қарадилар. Бу маънисда Ҳазрати Али ҳам бор эдилар, улар дедилар:

— Бунинг аҳамияти йўқ, унга шипа идишда сув келтирин!

Сўр шипа идишда сув тўлидириб келтиришди. Хурмузон идишни қўлига олиб ва лебига олиб бормай атрофга айланиб турарди. Шунда халифа Умар дедилар:

— Энди нега ичмаёсан?

— Улимдан кўнрақ ичмайман, бу сувни ича болаётганим билан мени ўлдирасиз.

Ҳазрати Умар дедилар:

— Йўқ! Ахир биз нетад бердик. Сен шу сувни оқирганига ичмаёдинг, ҳа, ким сенга эътибор бермайдик.

Хурмузон бу гапни эшитгани билан сувни ерга тўкиб юборди. У мусулмонлар бирон нетад берсалар, унга айтила қўнрақ амал қилишларини билар эди. Халифа Умар

ИБРАТЛИ ҲИКОЯТЛАР

унинг ҳийласидан таяноқ бўладилар ва Ҳазрати Алига қараб дедилар:

— Энди нима қилмиз?

Ҳазрати Али дедилар:

— Сен унга сувни оқирганча ичмаёдинг, неча ўлдирмаймиз дединг. У эа идишдаги сувни ичмади, демек, ўлдирилса асло ҳақ қилмас йўқ!

Хурмузон деди:

— Энди менда улим хавфи йўқ ва холир жамолик билан Аллоҳга йймон келтирмам.

Ҳамманинг юзида таъассум пайдо бўлди.

МУНОСИБ ҲАДА

Бир араб Имом Ҳусайн қўлига келиб деди:

— Эй пайғамбар ули! Мен минг динор қарз бўлиб қолдим, уни топишга оқиман. Ййоним халарда. Узимга ўзим агар бирор қилишининг илм борасидаги саволларига жавоб берсам мени тақдирлайдику дедим. Бу шайхлардан сиздан меҳрибонроқ қилишни топмадим.

Ҳазрат дедилар:

— Эй аълобий! Ҳада ҳам жавобга яраша бўлади. Агар битта саволга жа

воб берсанг, ҳадаининг тўртдан бири сенники. Агар иккита саволга жавоб берсанг, ҳадаининг ярми сенники. Агар учта саволга ҳам жавоб берсанг, ҳамма қарзларингни тўлайман.

Бадавий араб деди:

— Ё бин Расулуллоҳ! Қандай бахтки, сиздай одам менга савол берса. Сиз илм ва камолотда буюк зотсиз.

Сунг Ҳазрат дедилар:

— Ҳамма амаллар ичида энг яхшиси қайси?

— Аллоҳга йймон келтириш.

Яна сўрадилар:

— Ҳар қандай вазиятда қандай нажот топиш мумкин?

— Аллоҳга ихлос қилиб.

Яна сўрадилар:

— Одамнинг гузаллиги нимада?

— Илм билан хушфайлликнинг бирга бўлишида.

Яна сўрадилар:

— Агар бўлмаса-чи?

— Ёшлик чоғи молу давлатли бўлган яхши.

— У ҳам бўлмаса-чи?

— Фақирликка сабр ва шукр қилган яхши.

— У ҳам бўлмасачи?

— У ҳолда ашшан чақиб ёндиргани яхши, чунки ҳамма балодан фориг, бўлади.

Ҳазрат Имом Ҳусайн кулдилар ва қиссаларидаги минг динорни унинг олдига қўйдилар. Бармоқларидаги узукни ҳам чиқариб, уни бадавий арабга ҳада қилдилар. Сунг дедилар:

— Пулни қарзингни тўлашга ишлат. Узукни эса сотиб, ўз эҳтиёжини сарф қил.

Бадавий араб мамнун ҳолда кетди.

Бахриддин ТУРҒУНОВ
тайёрлади

Оламда гап кўп

СОЧИ ҚУТҚАРИБ ҚОЛДИ

Сиднейлик ойна ювувчи Эрикнинг омади бор экан, бир ўлимдан қолди. У олтинчи қаватнинг ойналарини юваётган пайтда арқон узилиб кетди. Бечора «энди ўлдим» деб ўйлаган эди. Йўқ, учинчи қават рўпарасида сочи кўтарма краннинг улама темирига илиниб қолди ва уни ўт ўчирувчилар қутқариб олишди.

Салим сариқнинг қамали кетишига бир баҳа қолганди. Агар Равил этикдўз мелисахонага бориб «бу йигитга даъвом йўқ» демаганида панжаранинг орқасига тушиши аниқ эди.

Туфлиснинг пошнаси едрилиб қолганини кўрган Моҳирахон «ишдан қайтишда Равилга учраб, нағал қоктириб олиш керак экан», деб ўйлади. У шаҳар марказидаги «Маиший хизмат уйи»да этикдўзлик қиладиган ўзидан 4-5 ёшлар кичик бу яхудий йигитни болалигидан билади. Уларнинг оилалари кўшни бўлиб, борди-келдилари ҳам жуда яхши эди. Равил ҳам кичкиналигидан «опа, опа» деб Моҳирахоннинг орқасидан эргашиб юрар, билмаганлар уларни опа-ука бўлишса керак, деб ўйлашарди.

Моҳирахон «Маиший хизмат уйи»нинг зинапоясидан бир-бир босиб кўтарилаётган эди, ичкаридан ўқдек отилиб чиққан йигит уни туртиб ўтиб кетди. Яхшиям, зинапоянинг тутқичидан ушлаб қоллишга улгурди. Йўқса, йиқилиши аниқ эди. Туртиб кетган йигит эса кечирим сўраш ўрнига ўқрайиб қарадида, югурганча чап қўлдаги тор кўчага кириб кетди. Моҳирахон келин бўлиб тушган маҳалласида турадиган бу йигит — Салим сариқдан хафа бўлмади. Табиатан кўрс, кўпол бўлган, тайинлик бир жойда ишламай киссавурлигу ўғирлик қилиб юрадиган одамнинг нимасидан ҳам хафа бўлсин?! Уни фақат бозор автобекатдан бери келмайдиган Салим сариқнинг бу ерда нима қилиб юрганилиги кўзи олма-кесак терганча олазарак боқиб чопиб бораётгани хайрон қолдирди. «Бу ерда ҳам бирорта бечоранинг ҳаменини тинчитгандирда», деган фикр ўтди хаёлидан.

Равилнинг устахонасига кирган Моҳирахон шошиб қолди. Ранги бўздек оқариб кетган Равил деворга суяниб ўтирар, шу ерда ишлайдиган аёллардан бири уни сочиқ билан елпир, шогирди эса пиёлада сув тутти турарди.

— Ҳа, Равил тинчликми? — сўради уни бу аҳволда кўриб кўқиб кетган Моҳирахон.

— Узугим... олиб қочди... — деди Равил тутила-тутила.

— Ўзингми босиброқ гапирчи, қанақа узук, ким олиб қочди?

Маълум бўлишича, ярим соатча олдин Ра-

вилнинг олдига бир йигит туфлисини созлатиш учун кирибди. Равил бошқа туфлини созлаб бўлганича йигит гап бериб ўтирган. Гап орасида устанинг кўлидаги узукни мақтаб қолди.

— Унинг узугимга ҳавас билан боқшини кўриб менинг ҳам завқим кўзиб кетди, — деди Равил. — Тўғрироғи, Моҳира опа, мақтанчоқлигим тутиб қолди дегим. Бу узукни яқинда тоғам Исроилдан совға қилиб олиб келганини, унинг ўн иккита кўзи бўлиб, ҳар бири камида 5-6 минг сўмлик бриллиант эканлигини, умуман эса, бу узук 100 минг сўмдан кам турмаслигини айтиб мақтандим. Сўзларимни эшитиб йигитнинг кўзлари қинидан чикқудек бўлди, «бир тақиб кўрсам майлими?» деб сўради. «Майли кўрақол», деб бердим. У узукни бармоғига тақиб у ёқ, бу ёққа айлантириб чирокнинг ёруғига тутиб кўрдида, бирдан тура қочди. Бу шунчалик тез юз бердики, қувлашга ҳам мажолим бўлмай ўтириб қолдим.

— Паст бўйли, сариқдан келган, кўк кўзли йигит эмасмиди? — сўради Моҳирахон лоп этиб миясига келган гумоннинг тўғри-нотўғрилигини билиш учун.

— Ҳа-ҳа, худди ўзи. Нима уни кўрдингизми?

— Ҳозир бу ерга кираётганимда мени туртиб-суриб ўтиб кетди. Уни таъиниман, бизнинг маҳаллада туради.

Равил дарров милицияга телефон қилди. Орадан ҳеч қанча вақт ўтмай «УАЗ» машинасида милиция ходимлари ҳам етиб келди. Равил улар билан Моҳирахон айтган манзилга кетди. Моҳирахон эса воқеанинг нима билан туғанини билиш учун устахонада кутиб ўтирди. Орадан бир соатга яқин вақт ўтиб Равил хурсанд қиёфада кириб келди.

— Худди ўша йигит экан, отажон. Ҳали узукни яширишга ҳам улгурмаган экан, дарров айбини бўйнига олди. Энди бир умр хизматини қиладиган бўлдимда.

— Хизматимни қилмасанг ҳам ўзингникидек бриллиант кўзли узук олиб берсанг бўлди. Битта кўзлигидан бўлса ҳам майли, — ҳазиллашиб қулди Моҳирахон.

Болалигидан ўзига меҳрибон бўлган бу аёл олдида яна бир қарра қарздорлигини ҳис қилган Равил учтўрт кун ўтиб Моҳирахоннинг ишхонасига келди ва унинг кўлига бежиримгина қутча тутқазди. Унинг ичиде бриллиант кўзли узук бор эди...

Шоҳида ҚАЮМОВА

Оламда гап кўп

СПИД ЕНГИЛАДИ

Асримизнинг энг даҳшатли касалликлари рақ ва СПИД яқин орада одамларга ҳавф солмайдиган бўлади. АҚШ биофизика илмий-тадқиқот институтининг президенти Жерри Якобсон ана шу касалликларни даволашнинг йўлини топганлигини эълон қилди.

— Бунинг учун касалга чалинган тўқималар олиб ташланади, — дейди доктор Якобсон. — Уларнинг ўрнини эса янги, соғлом тўқималар эгаллайди.

ҚАБРИСТОНДА АЙТИЛГАН АЛЛА...

Кеча тунда отам тушимга кирибди. Ҳар доимгидек оқ яқтада, кўлида ҳассаси. «Негадир кўринмайсан, тинчмисан, хавотир олдик онанг билан. Вақт топсанг бир келиб кет қизим... Қарагин, тагин ишингдан гап тегмасинда!»

Уйғонсам кўз ёшларимдан болишим жикқа ҳўл бўлиб кетибди...

Бугун албатта бораман олдингизга.

Бир вақтлар ишдаги муаммолар, гавжум шаҳар шовқинидан толиққан пайтларимда сокинликка интилардим. Аммо, сокинликнинг бу қадар хазин ва мунгли бўлишини қабристонга келганимдагина сездим.

— Отажон! — дейман қабридан ўсган майсаларга бошимни қўйиб...

— Келдингми, болам! Ётган манзилим ҳам анча олис бўлиб қолди. Ташвишлар сени анча хоритган кўринади. Сочларингга кировлар кўнибди...

— Айрилиқ оғир экан, отажон, буни сал кечроқ — сизни йўқотиб қўйганимдан кейингина тушундим.

Сиз йўқсиз, камондек эғилиб қолдим, Тундек сочларимга энмоқда қиров.

Чексиз ҳасратлардан эзилиб толдим, Сизнинг ўрнингизни босолмас биров.

— Сени тушунаман, болам. Кўп куйинма, ахир 100 бахорни кўрдим-ку. Бу маконга беаҳал узилиб келаётганлар қанча...

... Ўтган йили отам вафот этганидан сўнг соғиниб-соғиниб қабристонга келардим. Опа-сингилларимдан фарқим шу бўлардики, уларга ўхшаб, фарёд уриб ўзимни қабрга отмасдим. Йиғласам овозим чиқмас, қабрга тиз чўкиб отам билан «сўзлаш» бошлардим. Ва бу вужудимга қандайдир илоҳий туйғу бағишлар, ўртанган кўнглим таскин толарди...

— Ёшлигингда қабристон ёнидан ўтишга қўлқардинг. Уйингга кета қўл кеч бўлиб қолди-ку, болам.

Ҳ О Л В А

Кўшним Саодат нонуштага таклиф қилди. Хонага кирдим. Хонтахта тузатишган. Унда нон, ҳолва, олма бор эди. Ойнаи жаҳонда кино берилаётган экан. Аввал уни кўриб, сўнгра чой ичмоқчи бўлдик. Кино муҳаббат ҳақида экан. У беихтиёр мактабни, ўқувчилик давримни, сени, кўзёшларингни ёдимга солди. Ич-ичимдан йиги бостириб кела бошлади. Ўйладим: «Унинг кўзёшларининг уволу тўтди». Йиғлаб юбормаганим учун ўзимдан хурсанд бўлдим. Бироқ... Бироқ бўлмади.

Ошхонага ўтиб хонтахта ёнида ўтиришим билан боя мен эътиборсиз назар солганим — ҳолва кўзимга чўгдек кўринди. Ҳўнграб йиғлаб юбордим. Йиғларканман ич-ичимда қолиб кетган дардларим кўзёшимга қўшилиб сизилиб чиқарди. Кўшним кўркиб кетди: «Ҳа, сенга нима бўлди?» деди. Йиги аралаш зўрга: «У менга шунақа ҳолва олиб келганди» деёлдим.

Шу кунни йиғлаб-йиғлаб, тўйиб-тўйиб, ҳолвани суйиб-суйиб едим.

Сени эслаб, сен ҳақингда гапириб-гапириб йиғладим.

Ойгул УБАЙДУЛЛА ҚИЗ

• Тақдир

Хавотир олишмасин.

— Энди кўркмайман, бу ерда сиз борсиз отажон.

Кўзимни очганимда қабр пойида кўришиб, мен билан суҳбатлашаётган азиз, нуроний қиёфа ғойиб бўлганди.

Шу пайт қабристон сукувати узра бир хазин қўшиқ эшитила бошладики, беихтиёр титраб кетдим.

Бемаҳалда қаро ерни,

Кучган болам аллаё.

Булбул бўлиб қабр

тошига

Кўнган болам аллаё.

Қаро тупроқ

кўзларингга

Тўлганмикан аллаё.

Кимнинг мендек

бағри қонга

Тўлган экан аллаё.

Бу дунёда

кўрганларинг

Озор бўлди аллаё.

Гул ёшингда борган

жойинг

Мозор бўлди аллаё...

Сал нарироқдаги қабр ёнида фиғон чекаётган аёлни танидим. Бу аёл Наврўза исмли ёлғиз қизнинг онаси эди. Наврўза яқинда кўзи ёриш пайтида оламдан ўтган. Ундан бир ўғил қолган бўлиб, онаси катта қилаётганди.

Аёл йиғлай-йиғлай Қуръон тиловат қила бошлади. Ёнига ўтириб дуойи фотиҳа қилдим. Мозор дарвозасидан чиқиб, йўлда жим кетарканмиз, аста сўрадим.

— Опоки, нега Наврўзанинг қабрида алла айтдингиз?


— Нера?.. Наврўзагинани эси кирганда ҳам алла айтиб ухлатардим. Отаси фалокатга учраб вафот эт-

ганида у ҳали туғилмаганди. Якка-ю ёлғизим деб бунча суюнган эканман. Пешонамга сиғмаган экан-да, гулдек даврида ўлди-кетди-я... Набирам Ёдгориға сал кўнглимга чироғ ёқади. Қандоқ қилай? Улимни сезганмикан, билмадим, аранг жилмайиб, «Ойижон, алла айтнинг, эшитгим келаяпти» — деганди. Ўша кунни қизим ётган палатасида алла айтдим. Қасаллар ҳам, дўхтирлар ҳам, ҳамшира қизлар ҳам йиғлашди. Шўрлик қизим қўлларимни маҳкам ушлаганча жон берди. Қўзлари очик қолганлиги учун жони узилганини ҳам билмай қолибман. Ҳар замонда қабристонга келсам марсия ўрнига алла айтаётганлигимни билмай қоламан. Билсам ҳам барибир алла айтган бўлардим. Нима қилай, қизим шуни ёқтирардида. Вояга етган пайтида ҳам кўпинча эркалик қилиб «Алла айтасиз», деб қўймасди. Абдий уйкуга ҳам алла тинглаб кетди. Қабр тепасида ҳам алла айтаман, зора руҳи шод бўлса боламнинг.

Аёл билан уйим яқинидаги муволишда хайрлашдим. Аллоҳга илтижо қилдим аллалар ҳеч қачон қабристондан эмас, болаларнинг шўх шовқинига тўлган хонадонлардан эшитилсин. Бешиқларда шўхликдан гувраниб, ширин талпинаётган гўдакларга айтилсин, илойим...

Алла айтаётганимизда қалбимизга қайғу тушмасдан эзгу-орзулар гул очсин. Алла тинглаб улғаяётган фарзандларимиз кўнгли эзгу-меҳрдан ийиб оналарнинг кўнгли билан пайваста бўлсин.

Басира САЙИД АЛИ



Буви, Сизни мудом бувижон деб қақирардим. Бувижон деганим эриш туюлиб ошқора лаб бурсаларда, ба-рибри бувижоним эдингиз.

Энди-чи? Шу ҳолимда мен сизни бувижон деб айтолмайман. Саккиз ойлик мурғатимдан у ёруғ дунё юзи-ни кўрмай туриб жудо бўлдим. У сак-киз ой юрагим остида яшади. У сак-киз ой орзу-тилакларимнинг гултожи бўлди. Мен саккиз ой заминда эмас, осмони-фалакда чарх урдим. Охири... йўқ у менинг ройишлигим, андиша-лигим қурбони бўлди.

Ройиш келиним дердингиз. Чунки чизган чизгингиздан чиқмасдим, «юр» деган йўлингизга юрардим. Хиз-матимдан миннатдор эдингиз, аммо мени беш қизингиз каторида кўрол-масдингиз. Юрагимда қизлари бўла-ман деган орзу биринчи келинсалом-даёқ уйғонган эди. Сизнинг эса ўн

эрзандингиз бор, уларнинг меҳри-за кўмилган, келин муҳаббатига муш-тоқлигингиз йўқ эди. Ва бу аччиқ ҳа-қиқатни мен жуда кеч тушундим. Ме-хр қозониш илинжида пойи-патак хиз-мат қилардим. Сизни, опоқдадам, тў-рт қайноғам (уларни ўз жигаримдай кўрганман)нинг уст-бошини ювиш, ҳовли юмушларини тинчитиш, пиши-риб-қуйдириш зиммамда эди. Барча юмушларни астойдил бажарганим учун ҳам чарчамасдим. Ўзим ёқти-рган мумтоз қуйлар, қўшиқлар янграб турса, бас ишлайверардим. Аста-се-кин мен бажарадиган юмушлар чега-раси кенгая борди, ҳатто ўз ҳовли-миздан ҳам четга чиқди.

— Катта опангиз манави кирни бе-риб юборибди, қўшиб ювиб қўясиз.

— Ҳўп.

— Сабонинг бошлиғи тўй қиялпти экан, патирга деб сут ташлаб кетди, ҳамир қориб қўйсангиз.

— Ҳўп.

— Зулфияниқига меҳмон келар-миш, бориб қарашиб юборинг.

— Ҳўп.

Мана, энди касалхонанинг сарғиш деворларига тикилганча узок-узок ўйга толаман. Мен иззат-ҳурмати бор келин эмас, шунчаки бир хизматкор-га, дастёрга айланиб қолган эканман, бунинг сабабчиси фақат ўзим, анди-шам экан.

Ахир ўша кун катта опамнинг ги-ламини ювмаслигим ҳам мумкин эди. Беш боласини бизниқига ташлаб, ку-рортга кетган Сабо опамнинг кир-чирларини ювиб толиққанми Сизга аён эди-ку! Икки кундан буён нон-чай билан нонушта қилиб, кечки ов-қат ҳам 15 жондан менга ортса, ярим чўмич ортар, гоҳида эса шу ҳам йўқ эди. Очиғи атайлаб ўғлингиз иккови-миз учун қозон омишдан ҳайқардим. Бошқоронғиликда кўнгли тусаган ов-қатни пишириб емоқчи бўлган қўшни келинини маломат қилганларингиз мен учун сабоқ бўлган. Шу учун ҳам ни-маларинидир тусаган кўнглим қўйига кирмадим, «анави нарсадан егим ке-ляпти», дедим.

Соҳиба опам бошқоронғиликлари-да унга тандиркабоб пишириб бер-дингиз. Тандирга ўт ёқдим, қизитдим. Кабоб ҳидидан бошим айланиб, оғ-зимдан сув келар, чунки мен ҳам бошқоронғи эдим-да! Бу ҳол Сиз — бувижонимга ҳам яхши аён эди. «Ҳамма нарса иссиғида бўлгани ях-ши», дея севинганингиз қўлогимга ча-линган. Худди шу учун ҳам бувим ка-бобдан бир бўлак берар деган или-нжда кўрни аста очардим.

Кабоб тайёр бўлди.

— Ма, уйга олиб кириб е, шерик бўлишмасин, — дедингиз ариқда қў-лини юваётган келинга зимдан қараб қўйиб. Мен эса парвойи-палақдай, кўнглимдан ҳеч нима ўтмагандай уйимга кириб кетдим. Юрагим ости-даги митти вужуд эса питир-питир қи-ларди. Уни аста силаб: қўйсангчи асалим, аянг нафисга шоҳ, ҳали сен билан бунақа кабоблардан қанча еймиз-у, дея тасалли бераман ва қў-шиқ оламига учиб кетаман:

Ҳамиша бўлбули таъбим фиғону зор этар,
Ки орази чаманимни тушимда
кўрсам эди...

Сабо опам дам олиб қайтди. Оқи оқ, қизили қизил, чиройли бўлиб ке-тибди ўзиям.

— Бирам очилиб кетибсиз, опа, ку-рорт ёқибди, — дедим самимий.

— Нима, дам олгани бориб ҳам чўп бўлиб келайми? Одам ўзи учун ҳам яшашни билиши керак. Силарди ҳаёт-ларингиз ҳеч ҳавас қиладиган жойи йўқ. Мана, Сиз умрида Фарғонадан чиққанмисиз?

Мулзам тортиб, дастурхон попуғи-ни ўйнади, хўрлигим келарди.

— Опа, ҳамма курортга боравер-са, уйдаги ишларни қим қилади? — ер сизиб қолганимни кўриб гапга ўр-танча қайинсинглим аралашди.

— Шунақайкан, менга очилибсиз-сочилибсиз, деган кесатиғларни га-пиришма, кайфиятимни бузиб!

— Вой, опа ман чин дилдан...

— Ҳо, ичизда семирмай ўл, деяёт-гандирсиз?

Индамай ўрнимдан туриб, ошхона-

...Ҳамшира томиримни тополмай азоб беряпти. Врач эса, мунча озиб кетибсиз, очлик эълон қилганмидин-гиз, дейди. Шундай тўкин замонда очин-тўкин кунларим бўлишини унга айтиб бўларканми? Ахир мен бунга ўз онамга ҳам айтмаганман-ку. Нима учун? Чунки Сиз мен севган, суянч тоғим, учар қанотим деб билган ин-соннинг Онажониси эдингиз. Жоним-дан ҳам азиз одамни дунёга келтир-ган аёлни ёмон дейиш... Асло, асло!

...Ҳамон гилам ювардик. Қалбим остидаги вужуд потир-потир қилиб кўяди. Белимда санчиқ бошланган. Айтиб дейман, айтолмайман. Баҳона қиялпти, дейишармикан? Худди шу андиша оғзимга қулф урган. Опоқ сочларингиз, ўн фарзандни оқ ювиб, оқ тараган меҳнаткаш қадоқ қўла-рингизга ора-чора қараб қўяман. Қийналаётганимни кўрмайптиларми-кин, деб ўйлайман. Қизингизга шу қа-дар фидойи эдингиз-ки, ана шу фи-

дебман-а, — кўзларингиздан шафқат эмас, шубҳа қараб турарди. Оғир эди уларга қараш...

Хайрият ҳовлида ўғлингиз кўрин-ди, шу хонадондаги ягона меҳрибон-ним, суянч тоғим кўринди. Оқ ём бўл-ган қўлларимга, сўрида суви силқиб-ган гиламга қаради-ю, ҳамма нарса-га тушунди. Оғрикдан киртайган кўз-ларимга куйиниб боқди:

— Ўзи баттар бўладигансиз! Биров сизни бўйингиздан боғлаб, зўрлаб қовдирдими?

— Оббў, манга қарашиб турди, хо-лос, мунча ваҳима қилмасангиз? Ой тўлғоғи ўтиб кетади, — дедингиз пи-санда билан.

У эса... У... Бутун авзойи Сизга ни-мадир демокчи бўларди-ю, айтолмас-ди. Чунки Сиз Она эдингиз. Уни ўс-тирган, улғайтирган, менинг қалбим султони бўлиши учун дунёга келтир-ган Она эдингиз...

Кечга томон «Теё ёрдам» қақирши-га тўғри келди. Оркамдан машинага чиқмоқчи бўлган ўғлингизни қойдин-гиз:

— Кечаси мани илҳақ қилиб қаер-ларда улоқиб юрасан? Эрталаб ха-бар оласан.

У менга қаролмай машина эшиги-ни аста ёпди.

— Тавба, қайна халқи асти она бўлмас экан-да, — тўнгиллади олди-да ўтирган дўхтир аёл, — қизи сизни ўрингизда бўлганда, кўевини ҳам обкетарди.

...Тонгда у келди. Йиғлайвериб қи-зариб кетган кўзларимга боқди-ю, қо-тиб қолди. Ахир биз орзу-умидлари-миз гултожидан айрилган эдик-да!..

— Бу ердан чиқсангиз, ётоқхонага кўчамиз, шунча одам яшайпти-ку. Квартирага навбатим етгунча бир илож қилармиз.

— Бувим хафа бўлмасмиканлар?

У аста қўлимини қисди.

— Ўзлари айтдилар. Нодирни биз-нинг уйимизга уйлаларкан. Бугун Тошкентга — холамниқига кетишди, совчиликка...

Бўғимизга нимадир текилди. Кўзла-римни ерга олганча елкасига суян-ган қўйи йиғлайвердим-йиғлайвер-дим. Бу — ўз қадрим учун тўкилган кўз ёшларим эди.

Орадан йил ўтди. Ётоқда яшаймиз. Севганинг билан бўлсанг, қулба ҳам қошонага ўхшайди, деб тўғри айтиш-ган экан. Ўша воқеадан сўнг фарза-нд кўрмаслигим ҳам мумкин эди. Қўп даволандим, ярим тунлари туриб ху-дойимга илтижо қилдим.

— Менга фарзанд бергин, Парвар-дигор, — дея зор-зор йиғлаб тила-дим.

Нолам яратганга етди! Ахир фарза-ндсиз ҳаёт ҳаётми! Мана, тўрт ойди-ки, қалбим остида яна бир вужуд ўзи-нинг борлигидан дарак бера бошлади. Орзуларимнинг гултожи, самовий хаёл-ларимнинг эркатойи, жони-жаҳоним...

Яқинда биринчи марта хонамизга Сиз келдингиз. Онамдай қаршиладим.

— Уйга қайтинглар, бу келиндан пе-шоамга айтмаган экан, ўзимники ўза-гимни кесди. Ёт десанг бет дейди, қу-зингга қақчайиб туради. Қўлимдан иш-ни олиш қаёқда! Қизларим бечоралар-ни ҳам келмайдиган қилиб қўйди. Ку-ни-кеча Соҳиба опангиз болаларини бизниқига ташлаб, ўйга кетганди, бир кун минг кун бўлармиди. «Ман силарга хизматқоримдир, уйларинг калхўзга ўх-шайди», деб хонасига кириб кетганга, қайтиб чиқмади. Нодирга, «чикиб ке-тинглар жой топиб, ўзимни Муноси-хонимга обекламан», дедим. Квартира топадим, обшхитми, ўзи билади. Қайтинглар, жон қизим...

Қизим... Бу сўзни эшитиш учун ҳа-то қурбонлиқ ҳам бердим-а! Ёғилган бошингизни кўриб, ичим ачиди, қал-бим яна кечирибга тайёр. Чунки Сиз мен севган инсонинг онажонисиз. Йи-ғлагим, сочларингизни силагим келади. Аммо нимадир бунга монелик қилмоқ-да, мулоҳаза қилиб кўр, демокда.

Қани, буви, бир марта она йўлида, чин кўнглидан чиқариб айтингчи, менинг ўр-нимда Сиз бўлсангиз, қайтиб борарми-дингиз?

Махфуза УСМОНОВА

ҚАЛБИМ



КЕЧИРИШГА

(воқеий ҳикоя)

га кириб, манти пиширишга унадим. Тўнгич опанинг қайтиши баҳона ҳам-ма йиғилган. Бир уй, айвон тўла эр-как-аёл, бола-бақра дегандай. Опа-ларини соғиниб қолишмаганим, манти буткул зиммамга юкланди-қолди. Қилмай юрган ишимиди, ҳар қанча меҳнат бўлса, чидайвераман, зарда-зурда, кесатиғ гаплар эшитмасам бўлгани. Машойихлар айтмоқчи, ях-ши гапнинг гадосиман.

Шу пайт ҳаллослаганда кичик опам кириб келди. Орқасидан эри билан ўгли юмалоқлаб, чойшабага тугилган алланимани кўтариб кириб, ҳовли ўр-тасига қўйишди.

— Мамашка, шу ҳафта ўғлингизни нозик меҳмонлари келадиган, гилам-ни бир илож қилиб ювиб беринглар. Ўзимнинг ҳолим йўқ.

Эркатой қизига, боз устга қувё олдида йўқ деб бўларканми?

— Бўпти, Муносиҳон икков амаллар-миз.

Меҳмонлар кулади.

— Гилами кечки салқинда нари-бери қилиб қўйалик, Муносиҳон.

— Ҳўп, — дейман нарчоддан белим-ни кўтаролмай қолган бўлсамда.

Гилам ювишга тутиндим. Аввал ис-сиқ сув сеипи совунлаб чикдим, сўнг порошок сеипи ювдим. Сиз резина ичкада совуқ сув билан чайиб тур-дингиз.

дойилик бўлажак набирангизга ҳам ғамхўрлик зарурлигини унуттириб қўйган эди.

Кечга томон белимда чидам бўл-мас оғриқ турди.

— Бувижон, дўхтир қақирсакмикан?

— Кўзимдаги гилтиллаган ёшларни кўрсатмасликка тиришаман.

— Ўтиб кетади, ой тўлғоғи. Ҳоми-ладор одам кўпроқ ҳаракат қилиши керак, осон туғасиз. Эртага туғар ку-нин ҳам ҳамир қориб, нон ёпардим, тоғ-тоғ қирларни ювиб ташлардим. Ҳозирги ёшлар-эй, бирам нозик, би-рам нозик. Ишга овунинг, Соҳибани қўлидан манти қозонни олинг, уйин-гизга келган меҳмонга иш қилдириш одамгарчиликдан эмас. Ман бор ке-лишадим, мандан кейин буларни ча-қириб ҳам келтиролмайсиз, айланай.

— Мантидан емадингиз ҳам, — манзират қилади Соҳиба опам юви-қсиз мантикзодини мен сари сураб экан. «Ортса ейманми?», ботинан эътироз билдираман. Қайинсинглим эса эрига илиниб олиб қўйган манти тўла косани кўтарганча уйга жу-найди.

Қасқонни ювиш нақадар малол! Оғ-риқ тобора кучайиб борапти. Алла-нима ичимдан узилиб тушгандай ғайритабиий товушда қичқириб юбо-раман. Югуриб кирасиз.

— Вой, илон-пилон қақводдимикин,

МУОМАЛА

1. Иш пайтида ҳамкасблар билан бўладиган кўнгилхиралликларни тезда унутиб, орага илиқлик бахш эта оласизми?
а) доимо — 1, б) гоҳида — 2, в) ҳеч қачон — 3.

2. Сизни танқид қилишга тўғри бўлганда ўзини қандай ҳис қиласиз?
а) ичимни ит тирнайди — 2, б) хотиржам қабул қиламан — 1, в) ўзимни бошқара олмайман — 3.

3. Ҳамкасбаларингиз сизни қанақа одам деб ўйлашади?
а) ўзига бино қўйган, ҳасадгўй — 3, б) самимий — 1, в) хотиржам ва кўнгилчан — 2.

4. Агар масъулиятли лавозимни тақлиф қилишса, қандай қабул қиласиз?
а) сал иккиланам — 2, б) ўйлаб ўтирмасдан — 3, в) оқоғишганимни ўйлаб воз кечаман — 1.

5. Дейлик, ҳамкасбаларингиздан биронтаси ўш столингиздан сўроқсиз битта муҳим қоғозни олди. Бундай вазиятда қандай йўл тўғридир?
а) кўзига қўриштиб кўярдим — 3, б) қоғозни қайтартирдим — 2, в) яна бошқа нарсга керакмасми дердим — 1.

6. Агар эрингиз (хотинингиз) ишдан оdatдигидан кеч қайтса қандай кутиб оласиз?
а) кечикиш сабабини сўрайдим — 2, б) қаерлардан сандироқлаб юрибсан дердим — 3, в) хавотир олганлигини айтаман — 1.

7. Автомобил рулига ўтирганда уни қандай бошқарасиз?
а) «чанга» қолдириб кетган машинани қувиб ўтишга уринаман — 2, б) машинани қувиб ўтишгани билан ишим йўқ — 1, в) шундақ тезликда учайки, токи етишолмасин — 3.

8. Ҳаётга қарашингиз қанақа деб ҳисоблайсиз?
а) мувофиқлашган — 2, б) енгил-елпи — 1, в) ўта жиддий — 3.

9. Агар ишингиз бароридан келмаса нима қиласиз?
а) айбни бировга тўнкайман — 3, б) тақдирга тан бераман — 2, в) кейинчалик ишимга пухта бўламан — 1.

10. Ёшлар орасидаги ахлоқсизлик тўғрисида ёзилган фелетонни қандай қабул қиласиз?

УСЛУБИНГИЗ

а) ёшларга бундай бачканаликларни таққиллаш вақти келди — 3, б) уларга маданий дам олишлари учун имконият яратиш керак — 1, в) нима қиламиз уларга ўралашиб — 2.

11. Агар сиз эгалламоқчи бўлган лавозимни бошқа бировга беришса, нима қилган бўлардингиз?
а) шунгама ҳуда-беҳуда асабийлашаманми — 1, б) демак у одам бошлиққа кўпроқ ёқади — 2, в) балки янаги гал менинг омадим келар — 3.

12. Кўрқинчли филм кўраётганингизда кўнглингиздан нималар кечади?
а) кўрқув — 3, б) зерикаман — 2, в) қоникш ҳосил қиламан — 1.

13. Дейлик, йўл транспорти нобоплиги сабабли муҳим бир йиғилишга кечикдингиз, шунда қандай йўл тutasиз?
а) йиғилиш давомида асабийлашаман — 1, б) йиғилганларга илтифот кўрсатиш билан ўзимни оқлайман — 3, в) аччиқланаман — 2.

14. Спорт соҳасидаги галаба, мағлубиятингиз сизга қандай таъсир қилади?
а) фақат ютишга ҳаракат қиламан — 2, б) жисмоний машқлар орқали ўзимни навқирон ҳис қилиш менга таскин беради — 3, в) ютказсам аччиқланаман — 1.

15. Агар ресторанда сизга ёмон хизмат кўрсатишса нима қиласиз?
а) жанжалдан нима фойда — 1, б) бош официантни қақириб унга танбех бераман — 3, в) ресторанди директорига шикоят қиламан — 2.

16. Мактабда болангизни тенкурлари хафа қилишса нима қилган бўлардингиз?
а) ўқувчиси билан гаплашаман — 1, б) болани хафа қилган ўқувчининг ота-онаси билан жанжаллашаман — 2, в) жавоб қайтариш кераклигини боламга маслаҳат бераман — 3.

17. Сиз қандай одамсиз?
а) ўртача — 1, б) ўзига ишонган — 3, в) уddaбурон — 2.

18. Агар қўл остингизда ишлайдиган ходим билан ошқиде тўқнаш келиб қолсангиз нима қиласиз?
а) кечирасиз, менинг айбим дейман — 1, б) ҳеч

• Рухшунослик тести

ҚАНАҚА?

қиси йўқ — 3, в) унга танбех бераман — 2.

19. Ёшлар ўртасидаги безорилик ҳақидаги мақолага муносабатингиз?
а) қачон бунга чек қўйишга аниқ чора-тадбирлар кўрилади — 2, б) қаттиқроқ жазо тайинлансин — 1, в) ҳамма айбни ёшларга тўнкамасдан камчиликини ота-онадан ҳам излаш керак — 3.

20. Куйидаги жонзотлардан қайси бири сизга кўпроқ ёқади?
а) йўлбарс — 3, б) уй мушуги — 2, в) айик — 1.

45. Балладан ошса. Вазмин бўлишингизга қарамай, кези келганда ҳаддан зиёд сержахлис, гоҳида ўзгаларга бўлган муомалангизда жудаям қаттиққўл бўласиз. Атрофдагиларнинг манфаат ва қизиқишларини суистеъмоли қилиб бўлсада муваффақиятга эришасиз. Танқидга эса икки хил ёндашасиз: юқоридан бўлган танқидни қабул қиласиз, қуйидан бўлганини эса сизга сизга олмайсиз.

35-44 балл. Муомала жараёнида характерингизда сал-пал агрессивлик акс этади. Гарчи шухратпарастликка мойиллигингиз кучли бўлсада, ҳаётда омад сизга ҳамроҳ. Қачонки, эътироз билдиришингизга ҳоҳлат қолмайдиган танқид бўлсагина тўғри қабул қиласиз.

34 балладан кам. Сиз ҳаддан зиёд тинчлик, хотиржамликини севасиз. Шунинг учун ҳам ўзингизга кунингизга, имкониятларингизга бўлган ишончингиз мурт. Муомала жараёнида шу нарсга акс этади. Сизга қатъийлик халақит бермаган бўларди. Куйидан бўлган танқидга тоқат қиласиз, аммо юқоридан бўладиган танқидга сўягингиз йўқ.

Дераза

ЕТИМЛАР
КЎПАЙМОҚДА

Россияда ҳар мингта янги қурилган оилага 600 та ажрашилган тўғри келмоқда. Шунинг оқибатида биргина 1995 йилда уч миллиондан ортиқ бола етимлар сафига қўшилди.

Яна бир ташвишли рақам: ўтган йили амалга оширилган абортлар сони ҳам уч миллиондан ошади.

РАДИО ЎҒРИЛАРИ

Германияда ҳар йили автомашиналардан 300 мингдан зиёд радиоаппаратура ўғирланади. Машхур «Блаупункт» фирмаси махсус кодга эга бўлган пластик карточкаларни тақлиф этмоқда. Радионинг ва карточканинг код рақамлари ўзаро мос келгандагина радио ишлай бошлайди. Йўқса, ўғри учун бу радиони кераксиз матоҳ сифатида ташлаб юборишдан ўзга чора йўқ.

САФАР
ЧЎЗИЛАДИГАН
БЎЛДИ

Опа-сингил Ирина ва Марина Горловалар ҳамда Григорий Димшининг Таиландга тижорат сафарлари 25 йилга чўзиладиганга ўхшаб турибди. Улар қиймати 500 краузеро бўлган Бразилия пулини устамонлик билан немис маркасига айлантиришди ва Патпонг тунги бозоридан ул-бул харид қилиб, 280 доллар қайтим ҳам олишди. Эртаси кун илар шу ҳунарларини яна такрорлашмоқчи эди, қўлга тушиб қолишди. Таиланд қонунларига кўра пул бирликларини қалбақиллаштирилганлиги учун 25 йил қамоқ жазоси берилди.

КАСАЛЛИК БЎЙДАН
КЎРҚАДИ

АҚШнинг Род-Айленд штатидаги Потакет шаҳри касалхонаси враччиси Донна Паркер ҳоним узок тадқиқотлардан кейин паст бўйли эркеклар турли уруқ хасталиклари билан кўпроқ оғришларини аниқлади. Бўйи 175 сантиметрдан юқори бўлган эркекларда эса бундай касалликлар паст бўйлиларга нисбатан 60 фоиз кам учрар экан.

ШИРИН ҲАЁТ

Бошқирдистоннинг Чишма шаҳридаги қанд лавлагини қайта ишлаш заводи маъмурияти нақд пул бўлмаганлиги сабабли ўз ишчиларига маош ўрнига шакар бермоқда. Шунинг учун шаҳардаги тўйларда қариндош-уруғлар ёш келин-куёвларга қоп-қоп шакар тўёна қилишга мажбур бўлишмоқда.

БАНКНИ ЎМАРИШДИ

Қуйи Новгород шаҳридаги «Радиотехбанк»да ишлайдиган Ольга Мазепа ҳамкасбларидан бири билан тил бириктириб банк миқозларининг ҳисоб рақамларидаги 550 миллион рублдан зиёд пулни Халқаро Болтиқ банкига ўтказиб юборган эди. Ушбу жиноят учун Ольга ва унинг шериги 5 йилдан қамоқ жазоси билан сийландилар.

Хорижий матбуот хабарлари асосида тайёрланди

МАХЛУҚ ҲАҚИДА
АФСОНА

(Легенда о чудище)

Болалар учун саргузашт

Эртак — комедия.

Режиссёр — Вик Сарин.

Ролларда — Пол Уиифилд, Жон Уайт.

1996 йил.

Бу кўнгилочар, қувноқ кинокомедия воқеалари болаларнинг ёзги таътил кунлари бўлиб ўтади. Икки дўст Фил ва Денни таътил вақтида беқорчиликдан зерикашди. Улар яшайдиган шаҳарча аҳли унча узок бўлмаган ботқоқликдаги махлуқ ҳақидаги афсонадан хабардор эди. Болалар эса қатта ёшдагилар билан ҳазиллашмоқчи бўладилар, аммо воқеа улар ўйлагандек бўлиб чиқмади. Ва икки дўстнинг ҳазили ачинарли ахволга сабабчи бўлади.

КИЧИК ҚАСОСКОР
(Маленький мститель)

Эртак — саргузашт филм.

Режиссёр — Г. Александров

Ролларда — Е. Рахмимов, Э. Ревазова

1992 йил, «Тожикифилм».

Мохирина суратга олинган ушбу филм эртанда кўғирчоқлар ҳам жонлантирилди ва улар саҳий ҳамда ростгўй одамларга ёрдам берадилар.

Ёдгор исмли созанда ноҳақ бўлган ҳукмдор ва унинг соқчиси Қорабойга қарши кураш олиб боради...

КИНОАСАР КҮЙ ВА РАКСЛАРГА БОЙ
УЙ АЖИНАСИ ВА
ТЎР ТЎҚУВЧИ

(Домовик и кружевница)
Кинокомедия

Режиссёр —

Дмитрий Воробей

Ролларда — В.

Павлов, М. Булга-

кова, В. Тализина.

1995 йил (Россия).

Ота-онаси қаердалиги номаълум бўлган 10 ёшли бола, яъни, филм қаҳрамони ёлғиз қолган. Қўни-қўшнилар уни болалар уйига юбормоқчи бўлдилар, бироқ...

Асардаги қизикarli воқеаларга нафақат қатта ёшдаги кишилар, балки «арвоҳлар» ҳам аралашади. Гарчи филмда «арвоҳлар» ҳам қатнашган бўлсада, ушбу асарни кўрган томошабинлар даҳшатли воқеалар эмас, ақча жуда кулгиларнинг ҳолатларини гўёки бўлди.

БАЖАРИБ

БЎЛМАЙДИГАН

ТОПШИРИҚ

(Невыполнимое задание)

Психологик детектив

Режиссёр — Брайан де Палма

Ролларда — Том Круз, Жон

Войт

1996 йил, АҚШ.

Америка киносининг машхур режиссёри Брайан де Палма томошабинлар ҳукмига ўзининг янги филмининг тақдими эди.

ЦРУ ходимларидан бир гуруҳининг махсус топшириқ билан жўнатилишидан мақсад улар орасидаги сотқинни аниқлаш эди.

Шубҳа ва гуноҳлар монлар Итанга нисбатан пайдо бўлади.

Филм бошлангандан томошабинларни ўзига жалб этади.

Кино мухлислари бу асарни гарчи отишма ва портлашлар унча кўп бўлмасада, завқ билан томоша қилишади.

ЖОСУСЛИК ОҒИР,

АММО АРЗИЙДИ

(Шпион тяжело, но

достойно)

Комедия

Режиссёр — Фред Фридберг

Ролларда — Лесли Нилсен, Николетт Шеридан

1996 йил. (Голливуд).

Видеомухлислар «Филофизис тўпона» комедиясидаги бош қаҳрамонни ва унинг ижрочиси Лесли Нилсени яхши билишади.

Филмдаги махфий вакил Дабл — Ю — ДИ — 40 бутун одамзодни йўқотиш пайига тушган генерал Рей Рейнхардга қарши кураш олиб боради...

Кулгили воқеаларга бой ушбу киноасар мухлислар эътиборини қозона олади, деб ўйлаймиз.

Видеотасмаларга ёзилган

янги филмлар билан қизиқувчилар ушбу телефонларга

кўнғироқ қилишлари мумкин:

77-13-44,

77-67-12.

• Оила

34 Ёшда

Навоийдан. Ҳозирда Тошкентда истиқомат қилади. Ўз уйида биттаю битта шириндан шакар қизчаси билан туради.

Гўзал, меҳнаткаш, оққўнғил, мўмин муслима аёл. Адабиёт ва санъатни севади. Рўзгор ишларида саранжом-саришта. Биргина фарзандига оталик меҳрини бера оладиган, тушунган, оилапарвар чин инсон билан умр ришталарини боғламоқчи. Келажақда у билан бахтли-саодатли умр кечириб кўпдан-кўп фарзандлари камолини қўришни орзу қилади.

«Оила-451» (Самарқанд, Набоий, Бухоро вилоятидан бўлса янада яхши).

33 Ёшда

Қашқадарёлик, соғлом-бақувват қалби тоза, оғир-вазмин, келишган йигит. Олий маълумотли. Ҳозирда тижорат ишлари билан шуғулланаяпти. Иқтисодий тўқис. Қаерлик бўлишидан қатъий назар Тошкентда яшайдиган чиройли, оқила қиз ё аёлни ўзига умр йўлдошликка излайди (1-2 болалари бўлса ҳам бўлади). «Оила-452» Сизни кутади. Манзили тахририятда.

ТАБРИКЛАЙМИЗ!



Азиз адажонимиз ЮСУФЖОН, мўътабар онажонимиз МАЪСУДАЙ ва ширин жиянчаларим КОМИЛА ва БАХТИЁРЖОНЛАР!

Сизларни таваллуд айёмларингиз билан муборакбод этамиз. Умрингиз узок, ҳаёт йўлингиз ҳамиша нурли ва ёруғ бўлсин.

Сизларга соғлиқ ва омонлик тилаб фарзандларингиз номидан қизингиз УМИДА.



Хурматли адажонимиз Раззоқ АБДУЛЛАЕВ!

Сизни муборак 58 ёшингиз билан чин дилдан табриклаймиз.

Чинор каби узундан-узок умр, келгуси ишларингизда зафарлар тилаймиз. Ҳамиша бахтимизга соғ бўлинг.

Умр йўлдошингиз ва фарзандларингиз номидан ГУЛБАҲОР.

Севикли ўғлим ОТАБЕКЖОН!

9 июн — тулган кунинг муборак! Илоё, ҳаётингизда олгини олдирма, умринг узун бўлсин, орзуларингиз барча-барчасининг рўёбини қўғин.

Онанг Шохсанам АВЛАКУЛОВА, Шахрисабз шаҳри.

БОЛАЛАРДАГИ ГИЖЖАЛАРНИ ТУШУРУВЧИ АМАЛЛАР

Гижжаси бор бола кечалари кўп безовталанади. рилган шарбатини кунига 1-2 ош қошиқ миқдорида берилган шарбатини кунига 3-4 марта истеъмол қилиб турилса ижобий натижа беради.

Бунда эрмон, саримсоқ омухталиғидаги дамлама билан ҳўқна қилинса бола тинчланади.

1 стакан майдаланган сариқбош уруғлари, 2 дона ўртача катталиқдаги саримсоқ киймаси 2 стакан сут билан ёпиқ идишда 10 дақиқа қайнатилади. Сузиб олинган, илиқ ҳолида ҳўқна қилинади. Бундай амал гижжаларни тезда йўқолишига ёрдам беради. Муолажа бир неча кун давом этади.

Лимон истеъмол қилиб туриш ҳам гижжалардан тезда фориғ қилади.

Турп шарбатини асал ёки шакар билан аралаштириб бериш ҳам гижжаларни йўқолишига омилкорлик қилади.

Сабзининг шакар ёхуд асал билан аралашти-

• Бўш вақтингизда

М Е Р О С

Авлоддан авлодга р и н и
утиб келаётган олинг,
бир жумбоқ бор. кичкина
Буни одатда бобо- уғлимга
ларимиз арман шунда тўққиздан би-
жумбоғи деб ата- ри қолади. Аҳил бў-
шади. Нақл қи- линглар, деб дунёдан
лишларича, бир қуз юмибди. Отани
кишининг уч ўғли Оллоҳга топширган
бор экан. У улими фарзандлар анчагача
олдидан уч ўғлини отларни тўғри тақсим-
ёнига чақириб лаб ололмай, жанжал-
айтиптики, бола- лашишгача борибди.
ларим, мана мен Охири қўшни қиш-
ҳам Оллоҳнинг доқда яшайдиган до-
ҳукмини бажариб нишманднинг олди-
дунёдан утаяпман. келиб воқеани айтиб
Сизларга маълум- беришибди.
ки, у ерда ун ет- Донишманд уларни
тита от бор. Катта диққат билан тингла-
ўғлим, сиз ярмини гач «сизлар уйларин-
олинг, уртанчи ў- гизга кетаверинглар,
лим сиз учдан би- эртага бориб бўлиб



бераман», депти. Эр- тасига келиб ҳақиқа- тан ҳам отларни ни- ҳоятда тўғри ва оди- лона бўлиб берибди. Сиз ҳам шу жумбоқ- ни ҳал этишга уриниб кўрингчи?

«Анчар-ВН» хусусий фир- масининг № 831406 ра- қамдан № 831425 рақамгача бўлган чек дафтарчаси йўқолганли- ги сабабли БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

ХУСУСИЙ

ЭЪЛОН

Арзон нархда оёқли ти- кув машинаси, конди- ционер сотилади.

Телефон:

42-55-22

Тошкент шаҳри Роман- енко Лилия Викторовна номига 1987 йилда берилган № 712783 тўлиқсиз ўрта маълумоти тўғрисидаги ш а ҳ о д а т н о м а йўқолганлиги сабабли бекор қилинади

«ОЗОДАЛИК ИЙМОНДАНДУР»

• Аллоҳ таолонинг наза- рида ўзгалардан эмас, ўзи- дан ҳаё қилган, уялган ки- ши азизроқдир.
• Ислонда соғлиқни сақ- лаш учун озодалик, еб- ичиш, умумий саломатлик ва жисмоний тарбияга ало- ҳида эътибор берилади.
• Ҳалол топилган бойликдан берилган садақа Аллоҳ томонидан қабул эти- лади.
• Бошяланг ҳожатга чиқ- манг, бефаришта бўласиз.
• Ювинишда, таҳорат олишда ҳатто дарё ёқасида бўлса-да, сув тежалмоғи даркор.
• Ёш бола кўтариб юрган

одамнинг эғнига сийиб қўйса, агар ўғил бола бўлса ўша жойга сув қуйиб чайилса, кифоя, қиз бола бўлса сув қуйиб юйиб таш- ланмоғи лозим.
• Эр-хотин бир-бирига бамисоли бежирим либосдир, зеро, улар бир- бирларининг айбларини беркитиб ўз- галарга чиройли кўрсатишлари керак.
• Болани эмизишдан аввал покла- ниб олмақ зарур.
• Идишдаги сувга ит терса у идиш ети қайта ювилмоғи керак.
• Таъми, ҳиди, ранги ўзгармаган сувни ишлатиш мумкин.
• Ҳаммомда лунги ўраган киши- лар билангина саломлашиш мумкин, лунги ўрамаганлар билан саломла- шилмайди.

Акам ора-сира дастурхондан у-бу олишга ундаб туриш асносида саволомуз қараб-қараб қўяди, янгам им қоқди, мунгайибгина пахта чигиллаб ўтирган олам атай эшиттириб уф тортиб қўяди, мен эса буларнинг барини била туриб ўзимни анқовликка соламан — гўё диққат ила томоша қилаётгандай телевизордан кўз узмайман.

Ниҳоят, деразага кўз қиримни ташлаб, қош қорая бошлаганини кўрганим заҳоти «йўл азобини важ қилиб фотиҳага қўл очаман».

Сўнг ўн бир болорли қиз-зиё хонада, қават-қават шойи кўрпачаларда ётарканман, ҳали олдинда таътилимнинг йигирма беш кун турганини ўйлаб ваҳимадан юрагим орқага тортиб кетади. Одатда, бу туйғу ортимдан бостириб келиб, гуруримни кунпая-кун этадиган, мени сабий ўсмирга айлантириб қўядигандай, қарийб ўн йилдан буён сароб янги-либ алдаб-авраб, амалга ошмай келаётган тотли орзулар кучоғига ўзимни отаман.

...Ранг-баранг либосли, ранг-баранг қиёфали оломон издиҳомини ёриб ўтиб бораётган туйқус менинг «қидиринкираган» нигоҳим билан қоп-қора чакнаб турган кўзлар тўқнашганини сезиб қоламан-у. Кўксимда чакмоқ чакнаган бўлади. «Ушамикан!..» Наҳотки?! Уй оғушида беихтиёр беш-олти қадам юриб қўйганимни англаб тўхтайдман-да, ўғириламан. Махнунтоқдай шалолар сочлари елкаларини қоплаб кетиб бораётган У ҳам тўхтайдми. Ўғирилади. Ва мен ҳам қиламанки, кўп йиллар мобайнида Буюк Соғинч билан ўртаниб излаганим, кутганим. Ягона қисматим рўбарўмда турибди!

«Салом. Мен келдим...», дейман ёнига бориб, «Кутгандим...», унсиз жавоб беради. Унинг олов кўзлари. Мен унинг кўлларида тутаман...

Билмадим, қанча вақт ўтди, бошимни кўтарганимда хона ним ёришган, деразадан ингичка ўроқ шаклидаги ҳиллол, чарақлаб турган юлдузлар кўзга чалинарди. Кўзларимни қанчалик юммайин, барибир ухлай олмадим. Юрагим қасасини ёриб юборгудай шиддат билан урар, оғзим қуруқшаб, тилим шишиб кетгандай: овоз чиқармоқчи эдим, томоғим ғилпа бўғилди: сездим, вужудим, аниқсиз, кўлларим оғирлашиб, ўрнимдан туролмайдигандайман. Шунда олис-олислардан келаётган чилтор оҳангларидай элас-элас чорловни илғадим-у, бир амаллаб ўрнимдан туриб ҳовлига чиқдим.

Ҳали уйга қираётганимдаёқ останада банкада қотиб ётган кўрғошинни кўрганимни эсладим. Уни жияларим ланка учун эритишган бўлса керак. Кўрғошиннинг тўлқин утиш даражасини билардим, банкани олиб, лўқиллаб оғрий бошлаган пешонамга босдим. Шу заҳоти енгил тортидим, асабимни эгволаётган ёқимсиз товушлар тинди. Миям фавқуллода тиниқа бошлади. Нима қилишни зарурлигини зумда англаб, нарвонда антенна ўрнатилмаган, мўрсиям йўқ сомонхона томига кўтарилдим. Сал нафасимни ростлаб олгач, ҳар эҳтимолга қарши тўлқинларни ўзига ютувчи металл жисмлардан юқорироқ бўлиш учун том саҳнида сочилиб ётган ғишлардан

супача ясадим-да, унинг устига чиқиб, оёқ учига кўтарилдим ва банкани пешонамга олдим.

Аввалига юзимга шиддат билан қайноқ нафас урилганини сездим. Сўнг шундайгина кулоқларим тагида кимдир майин, ёқимли, этимни жимирилатиб юбора даражада эҳтиросли овозда шивирлай бошлади (тўғри, ора-сира товуш пасайиб қолар, баъзан қандайдир шовқинлар халақит бериб қоларди): «Азизим, мужда юбор тонгги сабаблар билан дунёнинг четига ҳам Сени излаб борамаман. Юзлар, минглар, миллионлар, миллиардларнинг ичиндан бир дақиқада Сени излаб топаман. Севгига зор гадоман, ёлиб ўтмоқда ум-

туллак қари бир маймун тишларини иржайтириб қоринини ишқалаган кўйи шляпали, бўйинбоғли кишига ўқрайиб қараб турарди. Мен ақлдан оздимми, деб кўрқиб кетдим.

...Қолган ҳодисалар бир-бири билан боғланмаган, майда-чуйда лахтаклардай. Мен бош-охири йўқ жумлаларни эшитиб қолардим-у, аксар ҳолларда уларнинг манбаини тасаввур этолмасдим.

Хўрозлар қичқиргунга қадар томда ўтириб қичдик, сеанс бўлмади.

Ҳижолатда қолдим: Каримнинг қурилмасини кўтариб пастга тушдим. Хонамга кириб ётиб олмоқчи бўлиб энди бир қадам босган ҳам эдимки,.... Бўғиқ газлар муҳитида қолган-

нинг энди «Қайлардасан...» деганини биламан, бирдан дахшатли портлаш эшитилади, гўё миямга чакмоқ урилди, сон-саноксиз электр зарядлари чарсиллаб, вужудим бўлак-бўлакларга бўлиниб, фазога сочилиб кетгандай бўлди...

Ўзимга келганимда ранги пахтадай оқариб кетган Каримдан.

— Нима бўлди?.. — сўрай олдим аранг.

— Сен хафа бўлма, жўра, бўлиши лозим бўлган воқеа содир бўлди... Қара, — у кўкка, чарақлаб турган юлдузларга ишора қилди, — бундан миллионларча йиллар муқаддам радиотўлқин таратадиган юлдузларнинг бирида ҳаёт бўлган. Юлдуз—сайёра ўз ўқи атрофида тахминан бизнинг ўттиз соатимизда бир айланиб чиққан... Менимча, аниқ фанлар уларда бениҳоя ривожланган. Онгли мавжудотлардан бирининг мия яримшарлари бениҳоя зўриқиб ишлаган чоғлари ўз фикрларини балки махсус мосламалар орқаси сўнмас тўлқинларга айлантириб, чексиз-чексиз фазога йўллагандир. Ё бўлмаса, минглаб тасодифларнинг муаносиб келиши оқибатида транс ҳолатига тушган мавжудотнинг орқаси туйғулари радиотўлқинларга айланиб фазога тарқалгандир.

— Агар биз... жавоб йўлласак...

— Айнан ўша сайёрага ҳеч қачон етиб бормади. Ҳозир кўриб турганимиз юлдузларнинг шу соатдаги эмас, балки бундан миллионлаб йиллар бурунги ҳолати. Жуда кўплаб сўнган-сўнмаган юлдузларнинг миллион йиллар муқаддам йўлга қайқан нурлари бизга энди-энди етиб келаяптир. Бунинг устига, ўзинг ҳам билгандирсан, ўша сайёра портлаб кетди.

— Нера?

— Ҳозирча аниқ бир нима дейиш қийин. Агар тўлқин узунликларга қараб ҳукм чиқарадиган бўлсак, ҳалоқат табиий эмас, сунъий равишда, мутлақо тўсатдан, менимча, ядро қуролларини ишлатиш туйғайли рўй берган бўлса керак.

— Тўлқинлар...

— Улар сенинг миямда ўз энергияларини бошқа турдаги энергияга айлантиришида ва шу билан улар ҳам сўнди.

Карим кетди.

Юлдузларга термуламан...

Миллионлаб ёруғлик йили узоқликдаги масофада миллионлаб йиллар бурун яшаган, шалолар сочлари елкасини қоплаган, чарос кўзлари чакмоқ сулув қиз шундай қошимда пайдо бўлади-да, кўлларини илтижо қила олдинга «чўган кўйи» адоксиз армон билан пичирлай бошлади: «Қайлардасан, суюклим...». Ва мен кўз ёшлари юваётган ёноқларимда унинг ўтли нафасини туюман...

Эҳтимол, менинг-да армонли илтижом тўлқинларга айланиб, сарҳадсиз фазога тарқаб кетгай. Эҳтимол ордан миллионлаб йиллар ўтара бесаноқ тасодифлар силсиласида Ҳаёт аталмиш улўғ Мўъжиза пайдо бўлган қай бир сайёрада яшайяк муҳаббатга интиқ кўнгилда бў тўлқинлар ўтли сўзларга эврилгай. Эҳтимол, у ҳам ҳайрат-ҳаяжон оғушида тиз чўкканча фақат Туйғуларнинггина абаду-абад боқийлигига иймон келтиргай. Эҳтимол менинг дилрозим авж нуқталарда узилиб қолмагай...

Қайлардасан, суюклим, қайлардасан...

Абдуқаюм ЙЎЛДОШЕВ

ТОПМАЙ ТУРИБ ЙЎҚОТГАНИМ

ИЛМИЙ ФАНТАСТИК ҲИКОЯ

рим, қайлардасан, суюклим, қайлардасан, суюклим...».

Кўксим гупириб кетди, ҳаяжондан дир-дир титрадим: қиблага қараб сажда қилаётгандай тиз чўкиб бир оқшомнинг ўзида иккинчи маротаба, минг шукурки, бу гал кувонч ёшларига гарк бўлдим...

Хўрозлар қичқира бошлаган паллада қушдай енгил тортиб хонамга қайтиб кирдим. Энди ухлашни ҳаёл қилиб ҳам бўлмасди.

Мен бахтиёр эдим...

Тўғри, тобора тўлиб-тошиб келаётган шодлик ҳисларига озгина кўланка солиб турган ўй бор эди, бу ҳам бўлса менинг «соқовлигим», яъни мен электромагнит радиотўлқинларини баъзан ғайрихитиёрй тарзда қабул қилишга қилардим-у, аммо жавоб йўллай олмасдим, бевосита алоқага киришолмасдим... Майли, бу айтарили мушкулот эмас, мактабнинг физика ўқитувчиси менинг синфдошим бўлади, бориб йўл-йўрқ оламан.

Нонушта пайти онамдан мен тенгилар аллақачон икки-уч болали бўлишганини нечанчи маротаба эшитгач, шошиб Каримникига йўл олдим. У менинг узук-юлук тушуштиришларимни диққат билан эшитди. Кечки зиёфатдан кейин эса тебраниб турувчи электр потенциалларини кучайтириб берувчи қурилмани резина ғилофга ўраб мен билан бирга томга чикди.

Карим папиросни тутатганча яна мени қайтадан сўраб-суриштиришга тушди. Ғашим келса-да, бошимдан ўтказган воқеаларни бутун тафсилотларигача ҳикоя қилиб бера бошладим.

...Ўн йилча бурун Тошкентга саёхатга боргандик. Хайвонларни томоша қилаётиб, бирдан бошим айланиб кетгандай бўлди ва кимдир шундай кулоғим тагида ғазаб билан: «Кеча анави аблаҳ ташлаб кетган норнинг ичида игниси бор экан. Вой қорним-ей... Агар озодликда бўлсайдим, мен унга...», деб шивирлаётганини эшитиб қолдим. Қаршимдаги катакда жунлари тўкилан,

дай бошим оғирлашиб, кўзларим тина бошлаганини сездим ва шу заҳоти югуриб томга чиқиб, уфққа тикилганча сулаға кўтарилдим. Шубҳасиз, «ўзимнинг» тўлқинларим келмоқда, мен ҳатто қандайдир товушларни эшитгандай бўлдим.

— Яхши эшитилмаяпти! — дедим қичқириб.

— Магнит бўронлари халақит бераётгандир. — У кўйнидан уч-тўрт таблетка олиб узатди. — Буларнинг фармаколлари, мия ярим шарлари пўстоғининг кўзғалувчанлигини оширади.

Заҳардан аччиқ дориларни шоша-пиша чайнаб, ютиб юборганим заҳоти кўзларим ярқ этиб очилиб кетгандай бўлди, мен қизнинг товушини, ҳатто хўрсинишларини, ютиниб қўйишларига қадар аниқ-тиниқ эшитиб бошладим: «Қайлардасан, суюклим...»

Радиоалоқадан сўнг қир-адирларни уч-тўрт соат айланиб келганимда Карим хонасида мук тушиб олиб алланималарни ёзиб-чизарди.

— Ҳозирча бир нима дейишим қийин, — деди у пешонаси тиришиб, — Менимча, биз табиатдаги энг ноёб ҳодисалардан бирининг гувоҳи бўлиб турибмиз.

— Менга...

— Шошимма, жўра, шошилма. Ким билади дейсан, бахтинг чопиб турган бўлса бу қизни балки қўшни Кувкаладан топармиз, балки Тожиқовулдан, балки шаҳри Самарқанддан. Лекин сен элбуртдан буйтиб илжаяверма. Тўлқинлар дифракцияси назариясига кўра манба Америкада бўлишиям мумкин.

— Майлида-эй.

— Ҳа... Менимча, даврийлик қонуниятига амал қилинса, кейинги сеанс кечаси бир-иккиларда бўлар-ов.

Карим вали экан — тунги соат бир яримларда мен яна қизнинг таваллосини эшитдим...

Фароғатли, лаззатли орзулар, энтиқиб қутишлар кучоғида ўн кунча вақт ўтиб кетди.

Тўлиша бошлаган ой юзида доғлар кўзга чалиниб қолган бир оқшом қиз-

Муассисларимиз:

Ўзбекистон
Республикаси
Хотин-қизлар
қўмитаси, Болалар
жамғармаси ва
«Соғлом авлод
учун» Халқаро
хайрия жамғармаси

БОШ МУҲАРРИР:
Абдукарим РАҲИМБЕРДИ

Газетамиз бош ҳомийси:
Ўзбекистон «Матбуот тарқатиш
уюшмаси» ассоциацияси

МАНЗИЛИМИЗ:

700083, Матбуотчилар
кўчаси, 32-уй.

Телефон: 36-56-52, 34-86-91
Урол СОДИҚ
навбатчилик қилди
Обуна индекси - 64654
Руйхатга олиш № 33
Буюртма Г-0330 21597 нусхада чоп
этилди. Офсет усулида босилди.
Формати А-3, ҳажми 2 босма табок.